



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СОЛИҚ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИ

Вахобжонов Дилмурод Дилшодбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Нематов Оғабек Ҳайдар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 317-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18723091>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг солиқ билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятининг тушунчаси, солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, асосий йўналишлари, махсус профилактикани амалга ошириш тартиби, профилактика инспекторининг солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича вазифалари ва профилактика инспекторларининг солиқ инспекторлари билан солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, солиқ органлари, солиқ билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, ҳамкорлик, махсус профилактика.

Аннотация: В данной статье рассматриваются понятие деятельности инспектора по профилактике специальной профилактики налоговых правонарушений, взаимодействие с налоговыми органами, основные направления, порядок осуществления специальной профилактики, задачи инспектора по профилактике по налоговым правонарушениям, а также проблемы, возникающие при осуществлении инспекторами по профилактике специальной профилактики налоговых правонарушений с налоговыми инспекторами, и пути их решения.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, налоговые органы, налоговые правонарушения, сотрудничество, специальная профилактика.

Ҳар бир жамиятнинг ривожланишида унинг тараққий топишида давлатнинг солиқ сиёсатининг ўрни ва аҳамияти жуда юқори ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маҳалла еттилиги





солиқ инспекторлари билан ҳамкорлиги натижасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган нотинч оилалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида ижтимоий профилактика дорасида маҳалла билан ҳамкорликда профилактик чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасида маҳалла тизими мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутди. Маҳалла – бу нафақат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, балки давлат сиёсатининг маҳаллий даражада амалга оширилишининг асосий ҳалқаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил Ўзбекистон ҳалқига ва Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида *“Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Шунинг учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсатимизни давом эттириб, 2026 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдирамиз; тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади”*¹ деб бежизга таъкидламаганлар.

Профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини профилактика инспекторларининг маҳалла еттилиги ҳисобланган солиқ инспекторлари билан ҳамкорлигисиз тасаввур этиш қийин.

Профилактика инспекторларининг солиқ инспекторлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- аҳолининг солиққа доир ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий ва тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда иштирок этиш;
- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишда ёрдам кўрсатиш;
- солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа шу каби жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>.





айбдорларга тегишли чораларни кўриш бўйича текширув, қўшма рейд ва бошқа тадбирларни ўтказишда иштирок этиш.

– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, шу жумладан солиқ, ва лютага оид ҳуқуқбузарликлар, жиноий фаолиятдан олинган даромад ларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш профилак тикасини амалга оширади, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт шароитларни аниқлайди, бартараф этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонунининг 15-моддасида давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Давлат солиқ хизмати органлари:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастур ларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оши ради, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши са бабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;
- солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга оширади;
- солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳли лини амалга оширади;
- – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оши рувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин².

Профилактика инспекторларининг солиқ инспекторлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган тизимли комплекс чора-тадбирлар натижасида профилактика инспекторларининг

² Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/2387357#2387480>.





аҳоли тинчлигини туну-кун таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда солиқ инспекторлари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Жамиятда қайси соҳа бўлмасин унинг фаолияти таҳлил этилмаса, ундаги муаммо ва камчиликлар аниқланиб бартараф этиш чоралари кўрилмаса, соҳани ривожлантириб бўлмайди ва натижада фаолиятида унум бўлмайди. Шу муносабат билан бугунги кунда ички ишлар органлари тизимларида профилактика инспекторларининг маҳалла еттилиги солиқ инспекторлари билан ижтимоий профилактикани амалга ошириш тизими яратилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун” устувор ғояси асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ **“Ички ишлар органлари таянч пунктлари тўғрисидаги низом” тасдиқланган**³.


Мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тузилмаси жорий қилинди. Ушбу масканда профилактика инспекторлари аҳолининг муаммоларини яқиндан ўрганиш мақсадида “маҳаллабай”, “хонадонбай” ва “фуқаробай” тамойиллари асосида ишлаш тизимига ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширишлиги белгилаб берилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21-декабрда “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг

³ 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024>.





аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 209-сонли президент фармони қабул қилинди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21-декабрда “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 402-сонли президент қарори қабул қилинди⁶. Ушбу қонунга биноан ички ишлар яъни профилактика инспекторларининг солиқ органлари билан ҳамкорлик қилишлиги белгилаб берилган.

Ушбу юқорида кўрсатилган норматив ҳужжатларга асосан маҳалла еттилиги ташкил этилди. Маҳалла еттилигига маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, солиқ инспекторлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1-декабрда “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида” 754-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 2-илоасида “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Низом тасдиқланган⁷.

Ушбу қарорга асосан маҳалла еттилиги аъзолари томонидан ижтимоий профилактикани амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди.


«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим⁸;

⁵ 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони. <https://lex.uz/docs/6705763>.

⁶ 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ–402-сон “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/6705734>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1-декабрда “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/7872510>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30-ноябрда “«Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 801-сон қарори. <https://lex.uz/docs/7243832>.





ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, профилактика инспектори, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори;

- тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар;

Солиқ инспекторлари тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган шахслар билан ижтимоий профилактика доирасида ишларни амалга оширади.

Профилактика инспекторининг маҳалла еттилиги солиқ инспектори билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг қуйидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади.

174-модда. Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш;

175-модда. Солиқ солиш объектларининг ҳисобини ва ҳисоботини юритишнинг белгиланган тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш;

175³-модда. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш;

215³-модда. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш.

Бу орқали профилактика инспекторлари солиқ инспекторлари билан ҳамкорликда маҳаллада солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаб унга қонуний чора кўриш ва бошқа солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этилмаслигини ҳамда фуқароларнинг қонунга ҳурмат қилишини таъминлайди.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки, профилактика инспекторлари маҳалласида солиқ билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилганда махсус профилактикани амалга оширади. Профилактика инспекторлари солиқ органлари билан самарали ҳамкорлиги маҳалладаги солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, яширин иқтисодиётни камайтириш ва умуман жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Мамлакатимизнинг ривожланиши учун профилактика инспекторларининг солиқ органлари билан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси самарали ҳамкорлик нафақат маҳалла фуқаролари билан, балки замонавий рақамли технологиялар, қўшма дастурлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар орқали ҳам тизимли равишда кучайтирилиши лозим. Бу эса нафақат солиқ





тушумларини ошириш, балки маҳалладаги умумий ҳуқуқий маданият ва хавфсизлик даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу жараёнда маҳаллада солиққа оид ҳуқуқбузарликлар камаяди ва давлатимизнинг ривожланишига замин яратади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан. <https://president.uz/uz/lists/view/8834>.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/2387357#2387480>.
3. 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/3175732>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16-сентябрда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE=14.03.2024>.
5. 2023 йил 21 декабрдаги ПФ–209-сон “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони. <https://lex.uz/docs/6705763>.
6. 2023 йил 21 декабрдаги ПҚ–402-сон “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори. <https://lex.uz/docs/6705734>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 1-декабрда “Жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги Ҳукумат қарорларини тизимлаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарори. <https://www.lex.uz/docs/7872510>.
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "muhim siyosatdan kasallik inspektorlarini oldini olish". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62.
9. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). huquqchilik profilaktikasi xizmatinda kadrlarni ta'lim olishning samarali





tizimini takmonlash. xalqaro ilmiy konferensiyada “ilmiy ilimlar va innovatsion yundashishlari” (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).

10. Атажанов Ў. М. и др. бозорлар ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлили //Научный Фокус. – 2025. – Т. 3. – №. 30. – С. 152-162.

11. Бобур, Мустофақулов, Асрор Ўғли, and Умиджон Жамолiddин Ўғли Обиджонов. "профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш." Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2-2 (2024): 33-39.

12. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.

13. Мустофақулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида ҳабардор қилишни такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.

14. Мустофақулов Б. А. Ў., Алламуратов А. С. У. профилактика инспекторларининг аҳоли олдида ҳисобот беришда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 67-72.

15. Мустофақулов Б. А. Ў., Сирожиддинов И. Р. Ў. профилактика инспекторининг уюшган жиноятчиликни олдини олиш чоратadbирларини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 52-56.

16. Мустофақулов Б. А. Ў., Мамарахимов А. М. Ў. одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 4-2. – С. 217-221.

